

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

## 2017 йил – Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили

Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили муносабати билан вилоят ҳокими Шукрулло Бобоев жойларда аҳоли билан мулоқотлар ўтказмоқда. Аниқ режа ва тизимли равишда ўтказилаётган бундай учрашувларда, аввало, инсон манфаатлари бирламчи масала, олий қадрият экани қайта ва қайта таъкидланмоқда.

## ОДАМЛАРНИ ЭШИТИШ — РАҲБАРНИНГ МУҲИМ ФАЗИЛАТИ

Маҳалла фуқаролар йиғинлари фаоллари, давлат ва жамоат ташкилотлари раҳбарлари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этаётган мулоқотларда аҳоли муносабатлари билан ишлаш, шу йўналишдаги ишлар самардорлигини янада ошириш, аҳолини ўйлантираётган масалаларни чуқур ўрганиш, маъжуд камчиликларни бартараф этишга алоҳида эътибор қаратилади. Мамакатимизда аҳоли фаровонлигини юксалтириш, қурилиш, ободонлаштириш, халқимиз учун янада қулай турмуш шароити яратиш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилаётгани таъкидланмоқда.

масалалардан бири ҳам айнан қишлоқ врачлик пунктлари фаолиятини тубдан яхшилаш эканини алоҳида таъкидлади. Бўша туманида ташкил этилган сайёр қабулхона ҳам аҳолида катта қизиқиш уйғотди. Вилоят ҳокими билан очик, самимий мулоқотга киришган ишчию хизматчилар, тадбиркору омилкорлар, аввало, ўзларига яратиб берилган қулайликлар, янгилик ва ўзгаришлар ҳақида тўқтинлаб сўзладилар. Бўша тумани тадбиркорлар янги иш ўринлари очиб, бизнесни кенгайтириш ҳақида кўплаб ўзига хос таклиф ва мулоҳазалар билан чиқиди. Йиғилиш якунларида кўра, туман ҳудудида жойлашган 4 та тижорат банклари тадбиркорлик муҳитини ривожлантириш мақсадида қарийб 2 миллиард 895 миллион сўм миқдорда кредит ажратиши белгиланди. Бундан ташқари, қишлоқда аҳоли турмуш даражасини юксалтириш мақсадида жами 39 та МФЙларга АТБ "Қишлоққурилиш банк" томонидан 1000 бош қорамол, 2 миллион бош парранда етказиб бериш вазифаси юклатилди.

Жамиятда хотин-қизлар фаолиятини юксалтириш масаласи ҳам маъмур мулоқотнинг бош мавзусларидан бири бўлди. Маълумот ўрнида айтилган бўлса, 2017 йилда санат соҳасида туман бўйича жами 16 та инвестиция лойиҳасини амалга ошириш кўзда тутилган ва яратилажак янги иш ўринларининг қарийб 50 фоизи хотин-қизлар учун мўлжалланган.

Шунингдек, Пискент, Қуйи Чирчиқ, Ўрта Чирчиқ, Юқори Чирчиқ туманларида бўлиб ўтган мулоқотларда ҳам маҳаллаларда ечимини кутаётган муаммолар, қурилиш ишлари, кўча ва йўللارни таъмирлаш, электр энергияси, табиий газ ва ичимлик суви таъминотини яхшилаш, тадбиркорликни ривожлантириш, янги иш ўринлари яратиш, аҳоли, айниқса, ёшларни иш билан таъминлаш юзасидан таклиф ва мулоҳазалар билдирилди.

**Оббек МУСУРМОНҚУЛОВ,**  
вилоят ҳокими  
ахборот-таҳлил гуруҳи  
бош мутахассиси.

## УЙ-ЖОЙЛИ БЎЛИШ БАХТИ

Ўрта Чирчиқ тумани, Қумовул қишлоғи, "Нурафшон" маҳалласида қурилган замонавий уйларида 42 оила Янги йилни кутиб олди.

### Қарор ва ижро



Намунавий лойиҳалар асосидаги бу уй-жойларни барпо этишда Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2016 йил 21 октябрдаги "2017-2021 йилларда қишлоқ жойларида янгиланган намуна-

вий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қуриш дастури тўғрисида"ги Қарори асос бўлди. Мазкур ҳужжатда 2017 йилнинг 1 январига қадар 2 ва 3 хонали 26 та кўп қаватли, икки сотих май-



донда 3 хонали 130 та бир қаватли уй қуриш белгиланган бўлиб, ушбу вазифа вилоятимизда ҳам ўз вақтида, сифатли бажарилди. 33-механизациялашган кўчма қорхона, "Назира фаз-

ли савдо", "Идеал шанс", "Тошўлат строй инвест" масъулияти чекланган жамиятлари ишчи-хизматчилари Ўрта Чирчиқ туманида бунёд этган уйлари кўздан кечириб, жуда ҳавасимиз келди.

Давоми 2-бетда. ➡

## «БЎЙЛАРИНГ ДАН АЙЛАНАЙ, БОЛАМ!»

Шу кунларда бутун мамлакатимизда бўлгани каби вилоятимизда ҳам Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 25 йиллиги муносабати билан "Ўзбекистон – мустақил Ватанимиз, миллий армиямиз фахру гуруримиз!" шиори остида турли маданий-маърифий тадбирлар, учрашувлар ўтказилмоқда.

### 14 январь – Ватан ҳимоячилари куни

Зангиота туманида "Аскар оналарини шарафлаймиз" номли маданий-маърифий тадбир бўлиб ўтди. Ёшларни Ватанга муҳаббат, мустақиллик гуяларига садоқат, қадриятларимизга ҳурмат ва фидойилик руҳида тарбиялаш, дахлдорлик ҳиссини оширишга йўналтирилган тадбирда ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оналари иштирок этди.

– Бугун ўғлимни ҳарбий кийимда кўриб, фахрланиб кетдим, – дейди парентлик оддий аскар Илёс Икромовнинг онаси Саломат Тўтаева. – Юрт ҳимоясига ярайдиган чинакам мард йигитнинг онаси бўлиш улкан бахт. Ўғлим ва унинг хизматдошлари нигоҳидаги қатъият эса Ватан ҳимояси

ишончли қўлларда эканини англатади. Яратилган шароитлардан кўнглим янада хотиржам бўлди. Ташкилотчиларга барча оналар номидан миннатдорлик билдираман.

Вилоят хотин-қизлар кўмитаси, "Қамолот" ёшлар иқтимоий ҳаракати, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди вилоят бўлими, маданият ва спорт ишлари бошқармаси ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда сўзга чиққанлар ёшларни ҳам маънан, ҳам жисмонан соғлом ва баркамол қилиб тарбиялаш, уларни ёт фоялар ҳамда оммавий маданият таъсиридан асраш, мустақиллигимиз ва давлат чегараларини ҳимоя қилиш бугунги куннинг асосий вази-

фаларидан бири эканини таъкидладилар.

– Ватани ҳимоя қилиш ҳар бир йигитнинг шарафли бурчидир, – дейди оққўрғонлик оддий аскар Мирзамурод Мухторалиев. – Унинг онадек улғу ва муқаддаслигини, ҳар бир қарич тупроғи азиз ва

мўтабарлигини хизмат давомидида янада чуқур англамоқдан. Бизга кўрсатилаётган ғамхўрлик ва эътибордан миннатдорман. Ота-онам, яқинларим, умуман, халқимизнинг осуда ҳаётини таъминлаш йўлида хизмат қилаётганидан фахрланаман.

Тадбирда вилоят ҳокими ўринбосари, хотин қизлар кўмитаси раиси С. Файзиева сўзга чиқди.

Ватан ҳимоячилари кунига бағишланган тадбирлар ҳақида 2-бетда ўқинг. ➡



### Имконият

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш масалаларига давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилмоқда.

## ТАДБИРКОРЛАР ҲИМОЯСИ — ФАРОВОНЛИК КАФОЛАТИ

Бугунги кунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик мамлакат иқтисодиётидаги салмоқли ҳиссаси билан алоҳида ўрин эгаллаб, жамиятимизда иқтимоий ва сиёсий барқарорликнинг мустаҳкам кафолатига, юртимизни тараққиёт йўлидан фаол ҳаракатлантирувчи кучга айланди.

Бундай кенг имкониятлар натижасида, ҳозирда яппи ички маҳсулотнинг салмоқли қисми кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан ишлаб чиқарилмоқда. Ушбу соҳада жами санат маҳсулотларининг учдан бир қисми, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг эса 98 фоизи тайёрланмоқда. Иш билан банд аҳолининг 77 фоиздан ортиғи маъмур тармоқда меҳнат қилмоқда.

Республикаимизда 2030 йилгача амалга оширилиши лозим бўлган энг муҳим вазифалар белгиланган бўлиб, улар жумласига иқтисодиётни модернизация ва диверсификация қилиш ҳисобидан етакчи тармоқларни янада ривожлантириш, хусусий мулкнинг устуворлигини таъминлаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик самардорлигини кучайтириш, яппи ички маҳсулот ҳажмини камида 2 баробарга ошириш, ўртача йиллик ўсишнинг 4,8 фоиз даражасида бўлишини таъминлаш каби халқимиз турмуш фаровонлигини юксалтиришга хизмат қиладиган муҳим масалалар киради.

Давоми 2-бетда. ➡

## ГАЛДАГИ ВАЗИФАЛАР ЯНАДА ЗАЛВОРЛИ

Тошкент вилояти ҳокимлигининг Оила, оналик ва болаликни иқтимоий муҳофаза қилиш масалалари комплексининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда комплекс таркибидagi муассасалар, давлат ва жамоат ташкилотлари раҳбарлари, ҳуқуқ-тартибот идоралари вакиллари, туман ва шаҳар хотин-қизлар кўмиталари раислари иштирок этди. Йиғилишни вилоят ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси Сайёра Файзиева бошқарди.

### Вилоят ҳокимлигида



Асосий эътибор комплекс фаолиятининг 2016 йилги якунлари ва жорий йилнинг биринчи чорагида амалга оширилиши лозим бўлган устувор вазифалар ижросига қаратилди.

Қайд этилганидек, поёнига етган йилда вилоят хотин-қизлар кўмитаси ҳамкор ташкилотлар билан ҳамжihatликда барча куч ва имкониятларни ўз олдига турган муҳим ва масъулиятли вазифаларни самарали амалга оширишга йўналтирди. Хусусан, вилоятда оила, оналик ва болаликни иқтимоий муҳофаза қилиш, ёшлар тарбияси, қизларни турмушга тайёрлаш, эрта никоҳлар ва ажримларнинг олдини олиш, аёллар ишбилармонлигини қўллаб-қувватлаш, хотин-қизлар ўртасидаги жиноятчиликларга барҳам

бериш, бандлик каби йўналишларда қўрилган чоралар тадбирлар ўзининг ижобий самараларини кўрсатди. Бу йиғилишда тилга олинган статистик ҳисоботларда ҳам тўла ўзифодасини топган.

– Лекин, эришилган ютуқлар ўзимизники, улгарга маҳлиё бўлиш, хотиржамликка берилиш бугунги шиддаткор давр олдимида қўётган мақсад ва вазифалар моҳиятига мутлақо тўғри келмайди, – деб таъкидлади С. Файзиева. – Қандайдир ҳисоботлар учун эмас, халқ учун, одамлар бахти ва саодати учун ишлайдиган фурсат аллақачон келди. Бинобарин, муҳтарам Президентимиз жорий йилни "Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили" деб аташ асосида олдимизга қўётган вазифалар ҳар биримиздан, аввало, халқ

Ўз муҳбиримиз.  
Қобилжон ҒОҒУРОВ  
олган суратлар.





